



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (13.906)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажақ ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда бўлиб турган нуфузли делегацияни самимий куллар экан, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

Жорий йил март ойида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди.

Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида умий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли "Йўл харитаси" қабул қилинди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви ва инновацион

ривожланиш соҳасидаги илғор тажрибасини жорий этишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз экспертлари ҳамкорлигида устувор йўналишларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича аниқ тақлифлар тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Вазир самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Муҳаммад ал-Қарқовий Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолаб, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятининг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҚШНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ЯРАШИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзоидни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий куллар экан, очик мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлиги жадвал ривожланаётганини алоҳида қайд этди.

Турли даражадаги фаол мулоқот, конструктив сиёсий ҳамкорлик, парламентлараро изчил алоқалар, янги қўшма савдо ва инвестиция лойиҳалари, кенгайтиб бораётган гуманитар алмашинув – буларнинг барчаси Ўзбекистон ва АҚШ стратегик шериклигида янги давр бошланганидан далолат беради.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни ҳал этишда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболларига баҳо берилди.

Президентимиз Ўзбекистон Афғонистон билан аънанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда барқарорлик ўрнатилиши ва иқтисодиёт қайта тикланишига амалий ҳисса қўйиш тарафдор эканини таъкидлади.

Афғонистонда тинч сиёсий жараёни бошлашда афғон халқининг бош ролини назарда тутган ҳолда халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Ҳалилзоид самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннат-

дорлик билдирди ҳамда Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпеонинг саломи-ни етказди.

Махсус вакил мамлакатимизнинг Афғонистон халқига ҳар томонлама, жумладан, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали ёрдам беришга қаратилган сиёсатини юксак баҳолади.

АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик музокараларига кўмаклашиш борасидаги конструктив саъй-ҳаракатларини, хусусан, Афғонистон ҳукумати вакиллари иштирокидаги мулоқотнинг навбатдаги даврасини Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш таъкидланди.

Бундан ташқари, жорий йилда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича саккизинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RECCA VIII) вазирлар учрашувининг ўтказилиши қўшни давлатларга Афғонистоннинг тинч ривожланишига кўмаклашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққий таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

ЎЗА

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14 апрель куни икки кунлик давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Қозоғистон Президенти лавозимига киришгандан сўнг илк бор учрашдилар.

Тор ва кенгайтирилган таркибда ўтказилиши режалаштирилган музокараларда икки томонлама дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинади, сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилади.

Президентлар минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашади.

Давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши кўзда тутилган.

Президентлар қўшни қардош мамлакатда муваффақиятли якунига етган Ўзбекистон йилининг мантиқий давоми бўлаган Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этадилар. Мазкур йил тадбирлари Қозоғистон санъат усталарининг концерти билан бошланади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2019–2021 йилларда РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника (кейинги ўринларда – фармацевтика маҳсулотлари) билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортиментини ички бозор эҳтиёжларини қондираётгани ва импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларнинг суист ташкиллаштирилиши ташқи бозорларда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини чекламоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

(Давоми 2-бетда)

МУҲАММАД БИН АБДУЛЛОҲ АЛ-ҚАРҚОВИЙ: "ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОЛАМИГА КЎП НАРСАЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛГАН"

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажақ ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-ҚАРҚОВИЙ учрашувдан сўнг ЎЗА мухбирига интервью берди:

– Аввало, вақт ажратиб, бизни қабул қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Бугунги учрашув жуда самарали бўлди. Ўзбекистон ислом олами, дунё илм-фани ривожига кўп нарсаларни тақдим қилган. Жаноб Президент Ўзбекистон келажаги учун катта ишларни амалга ошираётгани. Ўтган икки ярим йилда мамлакатингизда бўлаётган бунёдкорлик ва ўзгаришлардан оммавий ахборот воситалари орқали хабардоримиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда БААга амалга оширган ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида тарихий саҳифа очди. Ўзаро ҳамкорлик ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишидан манфаатдоримиз.

10-11 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари делегациялари ўртасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фикр алмашиб олдик.

Асосий мақсадимиз ҳукуматлараро алоқаларни янада ривожлантириш. Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви тизимида эришган ютуқларини Ўзбекистонда татбиқ этишга кўмаклашиш ниятидамиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ
ёзиб олди

ЗАЛМАЙ ҲАЛИЛЗОД: "АФҒОНИСТОНДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БУТУН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН МУҲИМ"

АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзоид Афғонистонда тинчлик ўрнатишга оид долзарб жараёнлар хусусида куйидагиларни сўзлаб берди:

– Аввало Ўзбекистонга яна келганим ва Президент Шавкат Мирзиёев билан Афғонистонда барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан музокара ўтказганимдан гоят мамнунман. Бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатни тиклаш бўйича ҳукуматлараро ва Толибонлар вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказилди. Ушбу мулоқотларда Афғонистон бундан буён АҚШ ва бошқа давлатларга таҳдид соладиган халқаро терроризмга замин бўлишига йўл қўймастик борасида самарали мулоқотлар олиб борилди. Энг асосийси, музокаралар афғонларнинг ўзи иштирокида ўтказилмоқда.

Апрель ойида Доҳада ўтадиган учрашув ҳам Афғонистонда тинчликка эришишда навбатдаги муҳим қадам бўлади. Ушбу юртда тинч сиёсий жараёни бошлашда Афғонистон ҳукумати ва Толибонлар билан бирга янги Афғонистон вакиллари деб аталаётган ёшлар ва хотин-қизлар ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон қўшни мамлакатда тинчлик ўрнатиш масаласида фаол ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, Доҳа учрашувидан сўнг Самарқандда ўтказилиши кўтилаётган навбатдаги музокара шундан далолатдир.

Биз Президент билан афғон диёрда вазиятни барқарорлаштириш ва иқтисодиётни қайта тиклашда халқа-

ро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашдик.

Афғонистонда барқарорликни таъминлаш нафақат минтақа, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун жуда муҳим. Чунки уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши халқаро терроризм ва экстремизмнинг олдини олишга, Афғон диёрининг бошқа мамлакатлар учун ўз эшикларини очошига замин яратади. Бу, ўз навбатида, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, Марказий Осиёни Жанубий Осиё мамлакатларига интеграциялаштиришда янги имкониятлар очади.

ЎЗА мухбири
М.ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди



• Термизда Жануби-Фарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари сержантлари форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида Термиз шаҳар Ёшлар марказида мамлакатимизда янги чоп этилган тарихий, бадий, ҳуқуқий ва бошқа йўналишдаги китоблар савдоси ташкил этилди. Анжуман доирасида "Термиз" дала-ўқув майдонида жанговар тайёргарлик бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди.

• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларда аскарлик бурчини ўтаб бўлган бир гуруҳ мuddатли ҳарбий хизматчилар уйига тантанали кузатилди. Тантанали тадбирда ўз аскарлик бурчини адо этиш давомида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларидан ижобий натижаларга эришган мuddатли ҳарбий хизматчилар "Чегара қўшинлари аълочили" 1-даражали кўкрак нишони, миннатдорчилик хати, ҳарбий қисм командирининг тавсияномаси билан тақдирланди.

• Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хўнара коллежида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида таълим муассасаларида ташкил этилган санъат ва мусиқа тўғрисидаги жамоаларининг чиқишлари, ёшлар

томонидан тайёрланган мусаввирлик асарлари, хунармандлик буюмлари ҳамда миллий либослар кўргазмалари намойиш этилди. "Кувноқлар ва зукколар" беллашуви, мушоира, спорт мусобақалари ўтказилди.

• Наманганда Наманган муҳандислик-қурилиш институти талабалари ўртасида "Ўткир зехнлилар" китобхонлик танлови ўтказилди. Танловнинг саралаш босқичида институтнинг ҳар бир факультетидан олти жамоа қатнашди ва финалда транспорт факультетининг "Темурийлар" ва муҳандислик коммуникациялари факультетининг "Ларза" жамоалари рўбарў келди. Жамоалар Амир Темур ҳаёти ва темурийлар даврига оид тарихий, бадий асарлар бўйича ўз билимининг синовдан ўтказди. Яқинда "Ларза" жамоаси голиб деб топилган бўлса, иккинчи ўринни "Темурийлар" жамоаси эгаллади.



• Жанубий Кореяда 500 гектарлик ҳудудда ўрмон ёнгинлари авжига чиққанлиги боис бир киши ҳаётдан қўз юмди, 300 га яқин уй-жойлар куйиб кулга айланди. Ҳозирда ёнгиннинг 70 фоизини бартараф этишга муваффақ бўлинди. Мамлакат ҳукумати томонидан ушбу кенг қўламдаги ёнгинлар ижтимоий офат дея эълон қилинди.

• Буюк Британиянинг ҳашаматли автомобилларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ягуар Ленд Ровер" концерни ўз заводларининг фаолиятини маълум мuddатга тўхтатишга қарор қилди. Бу иш бирлашган қиролликнинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши олдидан концерннинг ҳам бу жараёнга ўзига хос тайёргарлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2019–2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "O'zmedimpeks" Давлат унитар корхонасини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва уларнинг улгуржи савдоси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бўйича функцияларини бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун аввал берилган лицензиялар амал қилиш муддати тугагунга қадар амалда бўлади.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Фармацевтика тармоғини, жумладан, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан **барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;

фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва унинг асосида ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

тармоқ корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда **кўмаклашиш**;

фармацевтика тармоғини, шу жумладан, фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертифицилаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бундан мустасно) йўли билан **давлат томонидан бошқариш**;

фармацевтика тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

импорт қилинаётган ва республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ ахборот йиғишни таъминловчи **Фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий қилишда иштирок этиш**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддаси 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий этилмайдиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхати Агентлик томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади. Бунда мазкур рўйхатга киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари номлари тайёр махсулотга ҳам, "in bulk" махсулот шаклида импорт қилинадиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларига ҳам жорий этилади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини sanoatda ишлаб чиқариш ва дорихонада тайёрлаш учун мўлжалланган, импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган ҳам ашёлар рўйхати Агентлик томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ва тасдиқланади, шунингдек, бир йилда камида икки марта янгиланган борилиши ва Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтларига joyлаштирилиши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари миллий ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, ammo 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги маблағга кафилик беради;

"in bulk" махсулоти асосида ишлаб чиқариладиган дори препаратлари ва (ёки) тиббиёт буюмларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини узайтириш, шунингдек, уларни қайта давлат рўйхатидан ўтказиш мазкур аналогик миллий махсулотни ички бозор эҳтиёжини таъминлайдиган ҳажмда ишлаб чиқарувчи бўлмаган тақдирда амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар, синов тариқасида, дори препаратлари ва тиббиёт буюмларини давлат томонидан харид қилишни амалга оширишда икки ва ундан ортиқ иштирокчилар – аналогик махсулотни (халқаро патентланмаган номи бўйича) миллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган тақдирда давлат буюртмачиси импорт дори препаратлари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш тақлифи мавжуд барча буюртмаларни рад этади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб импорт дори воситалари (дори субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштиришда божхона қийматининг 1,2 фоизи миқдоридан божхона расмийлаштируви учун йиғим ундирилади.

4. Белгилансинки, 2022 йилнинг 1 январига қадар: **фармацевтика маҳсулотларининг клиниколди тадқиқотларини амалга оширувчи барча лабораториялар Зарур лаборатория амалиёти (GLP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертифицилаштирилиши лозим**;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар ўтказувчи барча клиник базалари Зарур клиника амалиёти (GCP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертифицилаштирилиши лозим;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертифицилаштирилиши лозим;

фармацевтика маҳсулотларини улгуржи сотиш билан шуғулланувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур дистрибуторлик амалиёти (GDP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертифицилаштирилиши зарур.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш тармоқ жадвалини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. 2019–2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига "Йўл харитаси"да кўзда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Қуйидагилар "Йўл харитаси"да кўзда тутилган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, илмий тадқиқот ва синов лабораторияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2019 йилда – Агентликка Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси томонидан тақдим этилган бурюртномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ажратиладиган Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2019 йил 1 январь ҳолатига мавжуд валюта маблағлари қолдиғи;

2020–2023 йилларда – Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини тегишли йил учун амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш учун эса Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўзлаштирилмаган маблағлари, улар етишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари.

7. Агентлик қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, **Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва қуйидагилар уни шакллантириш манбалари этиб белгилансин: импорт дори воситалари (дори субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштиришда божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг 1,0 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган эквиваленти 25 миллион АҚШ долларидидаги миллий валютадаги маблағлар;

халқаро молиявий институтлар ҳамда бошқа хорижий донорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги максадларга ишлатилади: **фармацевтика маҳсулотларининг янги турларини яратиш бўйича илмий ишланмаларни ташкиллаштириш** учун Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга грантлар тақдим этиш;

Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва фармацевтика маҳсулотларининг сифат назоратини амалга оширувчи давлат лабораторияларини зарур асбоб-ускуна ва техника билан жиҳозлаш;

республикада ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотлари янги турларининг клиниколди ва клиник тадқиқотларини маҳаллий муассасаларда ўтказиш учун маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг сарф-харажатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан қоплаш;

маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 50 фоизини, улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг қоплаш;

маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини илгари сурish бўйича, шу жумладан, хорижда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш, семинарлар ўтказиш, тақдирот материаллари, кўргазма стендларини тайёрлаш, Агентлик ва унга идоравий мансуб ташкилотлар мутахассисларининг мазкур тадбирларда иштирок этиши;

Агентликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг ишчилари ва жалб этиладиган мутахассисларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, Агентлик ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан мамлакатимизда аввал ишлаб чиқарилмаган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан ошмаган кредитларнинг фоизлар бўйича харажатларини икки йил мобайнида қоплаш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган Агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар.

Белгилансинки, Жамғарманинг харажатлар сметаси Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги "Озик-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика sanoatida инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2718-сонли қарорига мувофиқ очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига 25 миллион АҚШ долларидан ажратсин.

10. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулот-

ларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан аптека ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб келиладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технология ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун "тоза хоналар", сэндвич-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиб, клиниколди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан, аптека ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган ҳам ашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоклаш материаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

11. 2019–2021 йилларда республика ҳудудида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тавсия этилган дори воситалари гуруҳлари рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агентлик **2019 йил 1 августга қадар**:

Рўйхатга киритилган импорт қилинадиган дори воситалари гуруҳларини маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини уларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари, молиялаштириш манбалари ва ташаббускорларини белгиланган ҳолда шакллантирсин;

Рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан, Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида жалб қилиш ва зарур бўлганда, фармацевтика эркин иқтисодий зоналарда жойлаштириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М.Ғаниев ва А.А.Абдуҳақимов манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

республикада талаб юқори бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун барқарор обрўга эга етакчи фармацевтика компанияларни; фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини узоқ муддатли молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқуқат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш бўйича тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 июнга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар, шунингдек, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлималарининг ташкилий-штар тузилмаси ушбу Фармон билан белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда қайта қўриб чиқишнинг таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларига эришишга асосланган бутунлай янгича баҳолаш тизимини жорий этишни кўзда тутган ҳолда Агентлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги асосланган ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари доирасида 2019 йилда мазкур Фармонни амалга ошириш доирасида Агентлик харажатлари учун маблағлар ажратсин ҳамда 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини кўзда тусин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Агентликнинг маъмурий биносини таъмирлаш даврида Агентликни давлат тасарруфидоги бўш турган объектларга вақтинчалик жойлаштиришга кўмаклашсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Агентлик билан биргаликда уч ой муддатда республикада фармацевтика тармоғи мутахассисларини тайёрлаш бўйича етакчи хорижий олий ўқув юрти филиалини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

Агентлик ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Агентликнинг расмий сайтларида 2017–2018 йилларда ва кейинги йилларда фармацевтика маҳсулотларининг давлат харидлари тўғрисидаги маълумотни органлар, ташкилотлар, маҳсулотларнинг номларини ва натурда ифодаланган ҳажмлари кесимида жойлаштирилишини таъминласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча клиник базаларида клиник тадқиқотлар ўтказиш жараёнларини ташкил этишнинг шаффоф механизминини, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар нархини белгилаш ва клиник тадқиқотлар ўтказишнинг ҳар бир босқичида томонларнинг жавобгарлик доирасини назарда тутувчи тартибни тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик ва бошқа идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А.Абдуҳақимов, Э.М.Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 10 апрель

“ОЛТИН ОДАМ” НАМОЙИШГА ҚЎЙИЛДИ

“Ўзбекистонда Қозоғистон йили”нинг тантанали очилишига бағишланган “Буюк дашт: тарих ва маданият” номли кўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Қозоғистон Республикаси Миллий музейи ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўргазмада икки қўшни давлат вакиллари, олимлар иштирок этди.

Кўргазманинг асосий мақсади санъат ва маданият ихлосмандларини Қозоғистоннинг бой тарихи ва маданий мероси билан таништиришдан иборат. Унда Қозоғистон Республикаси рамзи ҳисобланган “Олтин одам” намойишга қўйилди.

1960 йилларнинг охири 1970 йилларнинг бошида Олмаота шаҳри атрофида археологик қазиб ишлари олиб борилган. Иссиқ кўргонда тадқиқот олиб бораётган Кемал Акишев томонидан Сақлар шоҳи “Олтин одам” қолдиқлари топилди. Бу топилма ўз навбатида Қозоғистон рамзига айланди. Ноёб топилма “Қозоқ Тутанхамони” деб атала бошладиган ҳамда асрининг йирик кашфиёти деб тан олинди.

“Олтин одам” кўргазмаси бугунги кунда Россия, Хитой, Польша, Беларусь, Озарбайжон, Корея Республикасида намойиш этилган. Бу мамлакатларда бўлиб ўтган кўргазмаларга бир миллиондан ортиқ томошабин таширф бўюрган. 2020 йил охиригача кўргазма дунёнинг 20 мамлакатда намойишга қўйилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлиб ўтаётган кўргазмада “Олтин одам”ни тилла безаклар билан безатиладиган кийимда, тилла ўқлар, қор қоплонлари, архарлар, отлар, қушлар кўринишидаги олтин пластиналар билан безатилган қонус шаклидаги бош кийимда кўриш мумкин. Шунингдек, (археологлар фикрича 17–18 ёшларда бўлган) сак жангчиси Олтин одам билан бирга дафн қилинган эрта темир даврига (мил. авв. V–IV асрлар) оид археологик топилмалар тўплами ҳам жой олган.

Шунингдек, кўргазмада Таксай (Фарбий Қозоғистон вилояти), Талди-2 (Қарағанда вилояти) ва Берел (Шарқий Қозоғистон вилояти) сақлар кўргонидан топилган археологик топилмалар ҳам намойиш этиляпти. Кўргазмада Қозоғистон Республикаси Миллий музейи коллекциясидан жами 106 та экспонат экспозицияга қўйилган. Намойиш этилаётган нодир экспонатлар бу қадимий ва ўрта асрлар Қозоғистон санъатининг кичик бир қисмигача бўлиб, Евроосийё Дашт маданият меросининг ўзига хослигини акс эттиради.

“Ўзбекистонда Қозоғистон йили”нинг бошланиши муносабати билан матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

Бу каби тадбирлар икки қардош халқларнинг маданиятини янада ривожлантириш ва тарғиб қилишга хизмат қилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА

“UZCARD” ТЎЛОВ ТИЗИМИ ЛОГОТИПИ ЎЗГАРДИ

“Uzcard” компанияси логотипида пластик тўлов карталарининг нафақат барча маҳаллий фойдаланувчилари учун маълум бўлган ранглар мажмуи ўзгарди, балки унга янги рамзий унсурлар ҳам киритилди.

“Ғона умумреспублика процессинг маркази” ҚҚ МЧЖдан олинган маълумотларга кўра, қатор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, халқаро молия компаниялари билан ҳамкорликни таҳлил қилиш асосида “Uzcard” компаниясининг янги имижини яратиш зарурати пайдо бўлди.

“Uzcard” логотипи банкарлар тўлов тизимининг асосий белгиси ҳисобланади, шу боис мутахассислар олдида янгича ечимлар, унинг рамзига янги маъно ва сифатлар қўшиб вазифаси юклатилди. Янги логотип яратиш чоғида унинг фойдаланувчилар ва компания шериклари томонидан қабул қилиниши ҳисобга олинди.

Ишлаб чиқилган концепцияга кўра, янги логотип харфлар элементи ва матли блокдан иборат. Харфлар элементи карта образи туширилган. Айни пайтда белгининг бурчагидаги қуёш элементи куч ҳамда “Uzcard” тизимининг фойдаланувчиларга тақдим этилган имкониятларини ифодалайди. Кўк ранг молия соҳасида энг кўп фойдаланиладиган ранг, тўқ сариқ ранг фаоллик ва қулайлик белгиси сифатида танланган.

**Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА МУХБИРИ**

ҚИСКА САТРЛАРДА

- **Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Инвестор куни” тадбири ўтказилди.**
- **Пойтахтимиз харитаси, диққатга сазовор масканлар ва бошқа фойдаланувчилар ақс этган мониторлар аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди.**
- **Тошкент шаҳар ҳокимлигининг амалий ёрдами натижасида Мирзо Улуғбек туман Мудофаа ишлар бўлими инновацион асосда ишлашга ўтди.**
- **Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисига Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 65 йиллигига бағишланган адабий тадбир “Ўзингдан қўймагин, хаққим!” деб номланди.**
- **Миробод туманидаги 127-мактабгача таълим муассасасида “Болалар эко-ўйишоғи” ва туман ФХДЁ бўлимининг янги биносини очилиш маросими бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Қизил Ярм Ой жамияти Яшнобод туман ташкилоти томонидан 153-умумтаълим мактабда “Саломатликнинг ёш дўстлари” мусобақасининг туман босқичи ташкил этилди.**

Май – фуқаролар йигини раислиги сайловлар ойи

2018 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги янги тахрирда қабул қилинган қонун бекор қилинди.

Ҳўш, аввалги қонун билан янги қабул қилинган қонун ўртасида қандай фаркли жihatлар мавжуд, фуқаролар йигини раиси сайловида қандай ўзгаришлар рўй беради, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тартиблар қандай ўзгаришларга оид бўлади?

Авалло айтиш керакки, мамлакатимизда сайловга оид қонун ҳужжатлари тобора тақомиллаштирилиб, аҳамияти ортомқда, улардаги қонун ва нормалар, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, овоз бериш жараёнида бириктирилган, айтаётган, сайловларни ўтказишнинг ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари янада мустаҳкамланмоқда.

Маълумки, аввал мавжуд бўлган тартибга кўра, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайланар эди. Янги қабул қилинган қонунга кўра, эндиликда фақатгина фуқаролар йигини раиси сайланади.

Шунингдек, фуқаролар йигини раисларнинг ваколат муддати икки ярим йилдан уч йилга узайтирилмоқда. Бу, аввало, раисларнинг иши самарадорлиги ошишига хизмат қилса, иккинчи тарафдан ҳар қилган сайловларни йилнинг аниқ даврида ўтказиш имкониятини яратиш, фуқароларга қўшимча қўлайликлар тугдиради.

Янги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқолари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқолари) сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясига ўзгартирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари аввал сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилган бўлса, эндиликда ушбу комиссиялар фуқаролар йигини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови эълон қилингунча қадар фаолият юритади.

Авалли қонунда сайловда қатнашувчи

фуқаролар вакилининг нормаси тегишли комиссия томонидан мустақил белгиланган бўлса, янги қабул қилинган қонун билан вакиллик нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланди. Бу сайловда иштирок этувчилар сонини кенгайтириб, турли сўиестемоллик ҳолатлари юзга келишининг олдини олади.

2013 йил 22 апрелдаги қонунда овоз бериш очик ёки яширин овоз бериш шаклида ўтказилиши кўзда тутилган эди. Бу сайловчиларда ўзига маълум бўлмаса-да, бир маҳаллада яшовчи номзодга овоз бермас-

лашган нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, халқ депутатлари туман кенгашлари депутатлари киритилади. Раис, маслаҳатчилар, фуқаролар йигини органининг бошқа ходимлари, раисликка номзоднинг, фуқаролар йигини органи бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо бўлиб ёки уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йигини раислигига номзодлар бўйича тақлифларни худуд-

ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН

лик билан боғлиқ ноқулайлик, йўнгайсиликларни, ўзбекиони андиша, одамгарчилик нуктаи назаридан мақбул бўлмаган номзодга овоз бериш билан боғлиқ ҳолатларни юзга келтирар эди. Янги қабул қилинган қонун билан ушбу сайловда овоз беришининг яширин овоз бериш тури сақлаб қолиниб, фуқароларга ўзи хоҳлаган номзодга эркин овоз беришлари учун шароит яратилди.

Янги қабул қилинган қонун билан сайлов бюллетенларини тўлдиришда мақбул номзоднинг исми ёзилган қатордаги бўш каталочка белги-кестик билан бирга маълумлаш белгиси “—” ва “x” белгиларидан бирини қўйиш мумкинлиги белгиланди.

Сайловга тайёргарлик қўриш, уни ўтказиш, сайлов яқунларини чиқариш билан боғлиқ энг катта ва асосий масъулият ишчи гуруҳлар зиммасида эканлигига алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йигини қарори билан тузилади ва унинг таркибига фуқаролар йигинининг, тегишли худудда жой-

да яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда тайёрлади, ҳовиллар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказилади. Фуқаролар йигини ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли худудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича аҳоли ўртасида тушуинтириш ишларини олиб бориб, такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этади ва ўтказиш юзасидан фуқароларнинг муносабатларини қўриб чиқайди.

Қонунга кўра, овоз бериш жараёни фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенларини санок комиссияси томонидан бериш билан бошланади. Ҳар бир вакил битта овозга эга бўлиб, овоз бериш яширин кабиналарда амалга оширилади.

АЁЛЛАРНИНГ ФАОЛ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимиз мустақил ривожланиш йиллари давомида аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётининг турли жаҳаларида фаол қатнашишлари, айниқса уларнинг муносиб меҳнат фаолиятини ташкил этиш борасида изчил ижтимоий сиёсат олиб боришмоқда.

Яқинда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш, уларнинг тadbиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва бу борадаги одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада қучайтириш ва тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-таdbирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” дея кафолатланган. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазиrлар Маъжасининг қатор фармон ва қарорлари, жумладан, “Давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини ошириш тўғрисида”ги, “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида”ги ва бошқа қўллаб-қувватлар қабул қилинди. Ҳар йили мурайян йўналишида қабул қилинаётган Давлат дастурларининг ҳаётга тadbир этилиши доирасида режалар ишлаб қаёишдириб даражада аёлларининг ҳаёт шароити ва сифатини яхшилашга ҳам талуқлидир.

Ўзбекистон БМТ ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг конвенцияларини Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб рафикация қилган. Улар орасида “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги, “Онаники ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидир. Бундан ташқари, ҳукумат даражасида ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида, хаттоки ҳар бир фуқаролар йиғинида хотин-қизлар ҳаётига оид барча масалаларнинг ечимини топиш билан шугуллланувчи, энг асосийси, бутун бир жамиятда мувозанатли сақлашнинг таъминловчи хотин-қизлар қўмитаси ёки комиссиялари фаолият қўрсатмоқда. Айниқса, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган изчил чора-таdbирлар самараси тўғрисида, хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш, тadbиркорлик ва бошқа соҳалардаги иштироки тобора кенгаймоқда. Ҳурмутида оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, жойларда уларни иш билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга оид чора-таdbирлар қўлами ортомқда.

Маълумки, меҳнат қонунчилигида аёлларга бир қанча имтиёزلар кўзда тутилган бўлиб, оналаримиз баркамол авлодни воғга етказишда катта имкониятларга эга. Жумладан, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш ҳамда туғми, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кўнларидagi ишларга жалб қилиш ёки хизмат сафарига юборилишнинг чекланиши, шунингдек, ҳомилдорлик ёки туғиш ва бола икки-уч ёшга тўлгунча қадар парвартириш учун таътил ҳамда болани овқатлантириш учун танаффуслар берилиши каби нормаларнинг мавжудлиги хотин-қизларимизга қонуларимиз орқали яратилган имтиёزلардан далолатдир.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада қучайтириш ва тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-таdbирлар тўғрисида”ги қарорига бу борада қўллаб-қувватловчи ва ижобий ўзгаришлар қилинади. Жумладан, аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақлиқлар бекор қилинади. Ҳозирги кунда амалда бўлиб турган айрим қонун ҳужжатларида аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи чекланиш ҳолатини қўриш мумкин. Дарҳақиқат, 2000 йил 5 январда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати билан жами 400 га яқин касбларда аёлларнинг ишлаши тақиқланган.

Фарзанд тарбиясида оталарнинг масъулияти оширилади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бола парвартиришда

Овоз бериш фуқаролар йигини (вакилар йиғилиши)да иштирок этаётган сўнгги шахс овоз бериб бўлгандан кейин яқунланади ва санок комиссияси томонидан овозлар ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

Овоз беришда иштирок этганларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган ҳисобланади.

Агар фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлиб, улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, яъни бирор-бир номзод овоз берувчиларнинг ярмидан кўпининг овозини тўплай олган бўлса, энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз бериш фуқаролар йигини (вакилар йиғилиши)нинг қарорига кўра ўтказилади ва такрорий овоз бериш ўтказиладиган кун ушбу қарорда кўрсатилиши лозим бўлади. Такрорий овоз беришда бошқасига нисбатан кўпчилиكنинг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, такрорий овоз бериш номзодлардан бирининг сайланганлигини аниқлаш имконини бермас, яъни такрорий овозлар ҳар икки номзод ҳам бир хил овоз тўпласа, икки нафардан ортиқ бўлмаган номзод кўрсатилган ҳолда улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, бир ойлик муддатдан кечикмастан ўтказилади.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

Янги қабул қилинган қонун фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш имконини яратиш билан бирга сайловларнинг демократик таъминланган асосида очик, ошқора, муқобиллик асосида ўтишига замин яратади. Қонун нормаларининг тўғри тadbир этилиши ва ў берган имкониятлардан оқилона фойдаланиш қонунга чинакам қуч беради ва фуқароларда қонунга ва сайловларнинг ҳақоний ўтganлиги ҳақидаги ишончини янада мустаҳкамлайди.

Абдулхамид ОМОНОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Анжуманлар

САРҲИСОБ, НАТИЖА ВА МАҚСАДЛИ РЕЖАЛАР

Миллий матбуот марказида “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани “Республикада ягона кинопрокат тизимини жорий этиш борасида белгиланган чора-таdbирлар, шунингдек, худудларда намойиш этилган ва этилаётган фильмлар” мавзусига бағишланди.

“Ўзбекино” миллий агентлиги директори Ф.Зокиров ва бошқалар кино санъати йўлида амалга оширилаётган истикбалли режалар, қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг юксак натижаси эканлиги ҳамда бугунги кунда бадий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларнинг савиясини ошириш, сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Айни дамда ўзбек киносининг ривожланиши янги паллага қириб, замон билан ҳамнафас илгариллаб бориши учун “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан бир қатор иждоий ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ўтган йилги давлат бюджетидан жами 33,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағ 2017 йилга нисбатан 2,7 баробар кўп бўлиб, 2019 йилда янада кўпайиши режалаштирилмоқда.

– Бадий кенгаш йиғилишида 39 та бадий фильм, 43 та ҳужжатли фильм, 19 та мультипликацион фильм, 14 та қисқа метражли фильм ўрганилди, – дейди “Ўзбекино” миллий агентлиги директори Фурқат Зокиров. – Шулардан йигирма етита бадий фильм, қирқ олти ҳужжатли фильм, ўнга қисқа метражли фильмлар лойиҳалари иждоий баҳоланиб, ишлаб чиқаришга туширилди. 19 та бадий, 40 та ҳужжатли, 8 та мультфильм ва 2 та қисқа метражли фильмлар тайёрланиб, Бадий кенгаш этиборига ҳавола этилди. Ўтган давр ичида “Зумраша” болалар юмористик киножурналининг 11 тўплами тайёрланди. Бу истикболли вазибалар ва режалар негизда ўзбек кино санъатининг дунё микёсида янада юксалиб бориши ва асрларга татигулик киноларимизнинг яратилиши каби мақсадлар кўзда тутилган.

Шунингдек, матбуот анжуманида кино мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, олинаётган янги кинофильмлар, ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритилди. Фильмлар асосида телесериаллар суратга олинаётганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маъжасининг 2018 йил 6 апрелдаги қарорига асосан “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан “Республика кинопрокат маркази” давлат унитар корхонаси ташкил этилганлиги ва бугунги кундаги фаолияти ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар берилди.

Вилоятларда “Узмиллийбанк”нинг кредит маблағлари ҳисобига 25 та бир қаватли, 12 та икки қаватли ва 12 та очик (ёғи), жами 49 та замонавий кинотеатрлар тadbиркорлар томонидан қурилмоқда.

Бугунги кунда уларнинг 2 таси қуриб битказилди. Қолганлари ҳам жорий йилнинг якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Гулнигор САТТОРОВА

Сайёр қабул

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Олмазор туманида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевнинг навбатдаги сайёр қабули ташкил этилди.

Қабул давомида “Аҳил” маҳалласида яшовчи Тўрабой Йўлдошев муносабат қилиб, ўзи яшаётган кўчага янги оқова сув тармоғини ўтказиш кераклигини таъкидлаб ўтди. Бу борада фуқаро бир неча мартаба мутасаддиларга муносабат қилган. Аммо натижа бўлмаган. Шаҳар ҳокими ушбу худудда ишлар бошлангунча бўйича масъул ходимларга қўрсатма берди.

Шу тариқа сайёр қабулда уй-жой, йўлларни таъмирлаш, оқова сув ва бошқа иқтимоий, иқтисодий масалалар бўйича 107 нафар фуқаронинг муносабат тингланди. Ушбу муносабатларнинг 70 фоизи иждоий ҳал этилди, қолгани эса мутасаддиларга ўрганиб чиқилган учун тавсия этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

Маънавият

КИТОБ — ОНГ ВА ТАФАККУРНИ ТЕРАНЛАШТИРАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Central Asia – 2019: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” мавзусидаги XIII халқаро анжуманининг ўтказилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш, китоб қўлини тарғиб қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева. – Эеро, китоб инсонларнинг онг ва тафаккурини теранлаштирибгина қолмасдан уларни эзгулик ва яхшиликка қўрилади. Ушбу матбуот анжумани ҳам 24-26 апрель кунлари Хоразм вилоятининг Ўрганч шаҳрида ўтказиладиган халқаро конференция олдидан ташкил этилди.

Айни дамда конференцияга алоҳида тайёргарлик қўрилмоқда. 1999 йил мартда Самарқанд вилоятида ўтказилган ушбу таdbир 2014 йилга икки йилда бир мартаба ўтказилган бўлса, эндиликда ҳар йили ташкил этилмоқда. Бу йилги анжуманга Ўндан ортиқ давлатлардан 30 га яқин маърузчиларнинг келиши кутилмоқда.

Анжуманда халқаро конференция дастури доирасида илмий шўбелар, амалий семинар, маҳорат дарслари ўшатирилиши ва маъруз кутубхонанинг фаолиятдан ҳикоя қилувчи кўргазмалар тайёрланиши ҳам айтиб ўтилди.

ЁШ ИҚТИДОРЛИЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

Тошкент Фотосуратлар уйда Ўзбекистон Бадиий академияси тасаруфидagi Республика Иқтисодлаштиришнинг расмий мактаби томонидан “Мозийдан халқлар” деб номланган иккунли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада турли мамлакатларнинг тарихий ривожланиш даврига доир либослар ва бошқа турдаги юздан ортиқ иждоий ишлар намойиш этилди. Европа ҳуқмдорлари, ҳунд қабилалари, миср фирванларининг миллий либослари иштирокчиларнинг қизиқишларини ортиқди.

Кўргазмада хаваскор дэизийерлар ўзларининг иждо намуналарини кенг омма этиборига ҳавола этди. Бу таdbир иқтидорли ёшларнинг кашф этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳақида бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва ёкка тартибда қурилатган турар-жойлар ҳамда тadbиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат қўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда баъзи тadbиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қўрилуши рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштирмай туриб, қўшимча ёр майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бино-ишоотларни қуриш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четта чиққан ҳолда қўшимча бино-ишоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар-жойлардаги умумий фойдаланувдаги ёр майдонларини ўзбошимчалик билан тўсиб олиб, унда ҳар хил қурилишдаги қўрилмаларни қуриб олиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маъжасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳридаги нотувар-жий объектларда ва кўп қаватли турар-жий биноларда ва ёр атрофларида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ёр майдонларида ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-ишоотларни барқарор этиш чораларини қўриш бўйича туман ҳокимлигини қўрида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмақда.

Ўзбекистон Республикаси ЎР қонунининг 91-моддасида “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ёр участкаларини уларга райи-қонуний равишда эгаллик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харajatлар қўлланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади”, шунингдек, “Ёр участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ёр участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг текширишларга рухсат берувчи қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жаовбарлик тўғрисидаги қонунининг 266-моддаси билан “Давергеоздекастр” қўмитасига бериладиган ваколатдан фойдаланган ҳолда, ушбу қонунининг 65 ва 68-моддаларига мувофиқ, қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан, ўрнатишдан тартибда баённомалар тузилиб, жаримага тортилиши ҳақида оғохатлаштириш лозим.

Жарималар қўлланилишдан сўнг, қонуний талаблар бақарилмаган тақдирда, Сизга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари томонидан маъмурий жазо чоралари қўлланиши ҳақида маълум қилинамиз.

Азиз ҳамшарклар, қонуннинг равишда ёр участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ҳақида ҳужжатсиз ҳар хил қурилишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ёр участкаларига ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришнинг нўнумаган. Бу билан Сиз қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз хиссангинизни қўшган бўласиз.

Тошкент шаҳар ЎР ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти

Феруза МИРУКТАМОВА,
ЖИДУ тadbиркорчиси, ҳуқуқшунос

